

**«Olmaliq kon - metallurgiya kombinati»
Aksiyadorlik jamiyati**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлик:	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati						
	Қисқартирилган:	“Olmaliq КМК” АЖ						
	Биржа тикери номи:	AGMK						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Почта манзили:	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур, 53						
	Электрон почта манзили:	info@agmk.uz						
	Расмий веб-сайт:	www.agmk.uz						
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		06						
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлари						
Умумий йиғилиш ўтказиш тури		Навбатдан ташқари						
Умумий йиғилиш ўтказилган санаси:		30.05.2023й.						
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		30.05.2023й.						
Умумий йиғилиш ўтказилган жойи:		Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 107Б						
Умумий йиғилиш кворуми:		100%						
3.	№	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш натижаси					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
	1.	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти устав фондини (устав капитални) камайтириш, акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор матнига ўзгартиришлар киритиш орқали уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	100	606 016 663	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги қарор қилади.</p> <p>1. Қуйидагилар:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 3 февралдаги ПҚ-116-сон ва “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги 266-сон қарорларига мувофиқ қуйидаги активлар “Олмалиқ КМК” АЖ устав капиталдаги давлат улушини камайтириш ҳисобига давлат бошқарув органларига:</p> <p align="center">- “Angren pipe plant” маъсулияти чекланган жамияти устав фондидаги баланс (номинал) қиймати 90 999 314 905,30 сўмлик 100 фоиз</p>							

“Олмалик КМК” АЖ улуши 2022 йил 20 сентябрдаги топшириш-қабул қилиш тўғрисида далолатномага асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига;

- “**Асака**” **акциядорлик тижорат банки** устав фондидаги 47 153 094 174,9 сўмлик 339 206 490 дона акциялар 2022 йил 4 августдаги қимматли қоғозларни топшириш тўғрисидаги келишув битимига асосан Молия вазирлигига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 548 256,83 сўмлик “**собик идора**” бино ва иншоотлари баланс (қолдик) қийматида 2022 йил 14 апрелдаги кўчмас мулк объектини топшириш-қабул қилиш тўғрисида 1-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 558 348,00 сўмлик “**омборхона**” бино ва иншоотлари баланс (қолдик) қийматида 2022 йил 14 апрелдаги кўчмас мулк объектини топшириш-қабул қилиш тўғрисида 2-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ тасарруфидаги “**Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси**”нинг 46 353 кв. метр бино-иншоотлари ва улар жойлашган 14,66 га ер майдонлари баланс (қолдик) қиймати 2 891 500 527,67 сўмлик активлари 2022 йил 5 августдаги топшириш қабул-қилиш далолатномасига асосан давлат улушини камайтириш ҳисобига “Ўзкимёсаноат” АЖга;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 1 280 834 582,17 сўмлик “**боғзор**” баланс (қолдик) қийматида 2021 йил 5 июлдаги мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида 17-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 7 139 344,88 сўмлик “**қўйхоналар**” бино ва иншоотлари баланс (қолдик) қийматида 2022 йил 26 апрелдаги мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида 8-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 444 892 245,07 сўмлик “**боғзор**” баланс (қолдик) қийматида 2021 йил 5 июлдаги мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида 18-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 739 961 259,48 сўмлик “**боғзор**” баланс (қолдик) қийматида 2021 йил 5 июлдаги мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида 19-сонли далолатнома асосида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига;

- “Олмалик КМК” АЖ балансидаги қиймати 99 467 719 328,00 сўмлик “**7-қаватли 10 та турар уй-жой бинолари**” баланс қийматида 2022 йил 26 майдаги мулк (объект)ни топшириш-қабул қилиш ҳақида далолатнома асосида Олмалик шаҳар ҳокимиятига **топширилганлиги** ҳамда бухгалтерия маълумотларига асосан, баланс (қолдик) ва (ёки) номинал қийматида топширилган активларнинг умумий қиймати **242 985 562 972,30 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) **2 407 168 299 030 сўмдан 2 164 182 732 726 сўмгача** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига тегишли номинал қиймати 3 914 сўм бўлган **62 081 136** дона оддий эгаси номи ёзилган хужжатсиз **акцияларни бекор қилиш йўли билан камайтирилсин.** Бунда, топширилган активларнинг баланс қиймати (242 985 562 972,30 сўм) ва камайтирилган акцияларнинг номинал

қиймати (242 985 566 304 сўм) ўртасидаги **3 332 сўмлик** фарқ келгусида Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини оширилишида қўйилма сифатида ҳисобга олинсин.

3. Жамият устав фонди (устав капитали) **2 164 182 732 726** (икки триллион бир юз олтмиш тўрт миллиард бир юз саксон икки миллион етти юз ўттиз икки минг етти юз йигирма олти) сўм номинал қиймати 3 914 сўм бўлган **552 933 759** дона акцияга бўлинган ҳолда:

- **давлат улуши - 98,37** фоиз, яъни жами **2 128 963 652 678** (икки триллион бир юз йигирма саккиз миллиард тўққиз юз олтмиш уч миллион олти юз эллик икки минг олти юз етмиш саккиз) сўмлик, **543 935 527** дона **оддий** акциялардан;

- **жисмоний ва юридик шахслар улуши - 1,63** фоиз, яъни жами **35 219 080 048** (ўттиз беш миллиард икки юз ўн тўққиз миллион саксон минг қирқ саккиз) сўмлик, **8 998 232** дона **имтиёзли акциялардан иборат тасдиқлансин.**

4. Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 августдаги 07/46-01-02/062-сонли “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги РО366-15-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш матнига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги матни лойиҳаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг амалдаги уставига таклиф этилаётган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ маъқуллансин ҳамда тасдиқлансин.

6. Жамият бошқарув раиси А. Хурсановга:

акциялар қўшимча чиқарилишига ўзгартиришлар матнини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўрнатилган тартибда Молия вазирлигига топширилишини таъминлаш;

жамият устав фондидини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай барча кредиторларни қонунчиликда белгиланган тартибда ёзма шаклда хабардор қилиш;

жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини таъминлаш директор ўринбосари А. Абдукадиров ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқарув раиси А. Хурсанов зиммасига юклансин.

Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни

Кўриб чиқилди

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Хурсанов А.Х.

Бош бухгалтер:

Тен Н.К.

Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати бошлиғи в.б.

Химматов А.Х.